

Zilola KHALILOVA,

*Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers*

*doctor of philosophy PhD, docent of the Department
Humanitarian arts. zilola_kesh@mail.ru 39, Qori Niyoziy,
Tashkent, 100000, Uzbekistan.*

ИСЛОМ ДИНИЙ ТАЪЛИМ МАСАЛАСИГА ОИД ЁНДАШУВЛАР ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

ПОДХОДЫ К ВОПРОСАМ ИСЛАМСКОГО РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ИХ ТЕОРЕТИЧЕСКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ

THEORETICAL FRAMEWORK AND SCIENTIFIC APPROACHES TO THE STUDY OF ISLAMIC RELIGIOUS EDUCATION

Калит сўзлар: ислом дини таълим, анъанавий модел, радикал, замонавий таълим, мадраса, Марказий Осиё, ислом педагогикаси

Ключевые слова: исламское образование, традиционная модель, радикал, современное исламское образование, медесе, Центральная Азия, исламская педагогика

Key words: Islamic Religious education, traditional model, radical, modern education, madrasa, Central Asia, pedagogy of Islam

Марказий Осиё худудиди кечган тарихий жараёнларда, шунингдек, жамиятнинг маънавий-маърифий, маданий ривожиди ислом ва унинг таълими масалалари муҳим роль ўйнаган. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида диний таълим ва тарбиянинг ўрни катта эканлигини қўлаб тарихий мисоллар орқали кўриш мумкин. Бугунги кунда ёшлар онгига ахлоқий тарбияни сингдиришда бевосита дин, маънавий маърифий билимларнинг ўрни бениҳоя катта. Дин соҳасида кадрлар тайёрлашда юксак маънавиятли, ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиб фикрлайдиган, миллий кадриятлар ва динлараро бағрикенглик ғояси асосида баркамол инсонни шакллантириш фуқаролик жамияти ва дунёвий давлатнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолатда ислом таълими педагогикасида диний таълимни дунёвий фанлар билан ўзаро алоқадорликда олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

XX аср маърифатпарварларининг етук намоён-

даларидан бири – Абдурауф Фитрат ислом динини дунёвий фанлар ютуқлари билан мустаҳкамлаш ғоясига асосланган ҳолда, илм таснифини ишлаб чиққан эди. У барча фанларни назарий ва тажрибага асосланган (амалий) илмларга бўлади. Диний илмларга ҳадис, уларнинг талқини, фикр ва илоҳиётни киритади. Дунёвий фанларга эса физика, фалсафа, механика, алгебра, оптика, мусиқа, астрономия, геометрия, тиббиёт, география, тарих ва тилшуносликни қўшади. Фалсафа фанининг предметида онг, ахлоқ, илоҳиёт ва тафаккурни билишни унинг асосий вазифаси сифатида қайд этади (Fitrat A., 2002: 87-115).

Диний таълим (рус тилида – «религиозное образование», инглиз тилида – religious education) халқаро илмий ва педагогик терминологияда кенг тушунча сифатида қўлланилиб, дин, диний тарбия, диний ўзликни англашни ўрганиш билан боғлиқ турли кўринишдаги таълим фаолиятини ўз ичига олади. Илмий нуқтаи назардан, диний таълим конфессионал (Конфессионал таълим бу маълум бир динга оид бўлиб, бунда дин ақидалари, диний таълимот асосида ташкил этиладиган авторитар кўринишдаги таълим тури ҳисобланади) ва конфессионал бўлмаган (Nonconfessional (инг), внеконфессионал (рус), конфессионал бўлмаган – барча учун эркин бўлган таълим тури ҳисобланиб, педагогик ёндошувлар ва плюрализм қоидалари бўйича дарслар ташкил қилинади) таълим турига ажратилади (Nurillina R., 2011: 45-52). Диний таълимнинг асосий ва муҳим мезонларидан бири анъана ва урф-одатлар асосида ўқитиш ҳисобланиб, унинг ташкил этилишида қуйидаги 3 йўналиш – динни ўрганиш (learning religion), дин ҳақида ўрганиш (learning about religion), диндан ўрганишни (learning from religion) аниқлаб олиш зарурлиги келтирилади (Demidov G., 2016: 43-61).

Ислом таълими педагогикасида таълим назариясига доир турли концепциялар ишлаб чиқилган. Жумладан, тадқиқотчилар томонидан ислом таълимнинг ташкил этилишига кўра қуйидаги ғоявий йўналишлар илгари сурилади:

1. Анъанавий диний таълим – бу йўналиш вакиллари ислом таълимнинг асосий хусусиятлари бўлган араб тили, дастлабки ислом манбалари, Куръон, сунна, шариатни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бироқ, улар диний таълимда дунёвий таълим элементларини қўшишни салбий баҳолайдилар (Daudov R., 2014: 684-689).

Таълимнинг анъанавий усулда ташкил этилиши (Ж. Мажо, Л. Кро, Ж. Капель, Д. Равич, Ч. Финн) академик таълим сифатида ёш авлодга қадимий маданиятнинг универсал элементлари берили-

Ушбу мақолада ислом таълими тарихи педагогикасида таълим назариясига доир ишлаб чиқилган турли концепцияларни Марказий Осиё ҳудудида ташкил этилган ислом таълим муассасалари ҳолати мисолидаги ғоявий йўналишлари тадқиқ этилади. Жумладан, ислом таълимининг ташкил этилишига кўра қуйидаги 3 та таълим моделининг муҳим жиҳатлари кўрсатиб берилган. Анъанавий диний таълим – бу йўналиш вакиллари ислом таълимининг асосий хусусиятлари бўлган араб тили, дастлабки ислом манбалари, Қуръон, шариатни ўрганиш лозимлигини муҳим ҳисоблайди. Ислом таълими педагогикасида кенг қўлланилаётган таълим усулининг иккинчи модели – модернизм ёки замонавий ислом таълими деб аталади. Бу йўналиш вакиллари дастлабки мусулмон диний таълимотини талкин қилишда замонавий жамиятдаги ривожланишни, инсоният цивилизацияси ва мусулмонларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаларини, исломнинг анъанавий тартибларига содиқ қолиб, мусулмон маорифининг ривожига дунёвий таълим элементларининг зарурлигини қўллаб-қувватлайдилар. Анъанавий ва модернизм таълим усулидан фарқ қилган, учинчи таълим модели фундаментал ислом таълими деб номланади. Бундай ислом таълими тарафдорлари ислом диний таълимотини радикал талкин қилишни ижобий баҳолайдилар. Бирок, улар мусулмон ва бошқа халқларнинг маданий ютуқлари, анъанавий урф-одатларига салбий муносабатда бўладилар.

В данной статье проанализированы теория педагогики исламского образования, научные подходы и история преподавания исламского образования на территории современной Центральной Азии. Также, на примере состояния исламских учебных заведений, исследованы идейные направления различных концепций теории образования, разработанных в педагогике исламского образования. Наряду с этим, выявлены и охарактеризованы важные аспекты трех моделей образования в системе исламского духовного обучения.

Анализируя реформы в области образования исламского мира и их направления, представители традиционного духовного образования, составлявшего основу первой модели считают необходимым изучение арабского языка, исламских первоисточников, Корана, Сунны, шариата, которые являются основой религиозного образования. Вторая модель образования, широко применяемая в педагогике исламского образования, называется модернизмом или современным исламским образованием. Представители этого направления, оставаясь приверженцами традиционных основ обучения, поддерживают прогрессивные процессы в общественной жизни и ценят вклад мусульман в развитие цивилизации, приветствуя нововведения в мусульманском образовании. Приверженцы фундаментального исламского образования (третья модель обучения) положительно оценивают радикальное толкование доктрины ислама. Вместе с тем, они негативно относятся к достижениям культуры, традиционным обрядам и обычаям не только мусульманских, но и других народов.

This article illuminates the theory of pedagogy of Islamic education, scientific approaches and the history of teaching Islamic education in the territory of Central Asia. Furthermore, on the example of the state of Islamic educational institutions, the paper highlights the ideological directions of various concepts of the theory of education, which developed in the pedagogy of Islamic education. Along with this, the paper describes important aspects of three models of education in the system of Islamic spiritual education that are identified and characterized.

Analyzing the reforms in the field of education of the Islamic world and their directions, representatives of traditional religious education, which formed the traditional teaching of the first model, consider it necessary to study the Arabic language, Islamic primary sources, the Koran, Sunnah, Sharia, which are the basis of religious education. The second model of education, widely used in the pedagogy of Islamic education, is called modernism or modern Islamic education. Representatives of this direction, while remaining adherents of the traditional foundations of learning, support progressive processes in public life and appreciate the contribution of Muslims to the development of civilization, welcoming innovations in Muslim education. Adherents - fundamental Islamic education is the third model of education, positively assess the radical interpretation of the doctrine of Islam. At the same time, they negatively relate to cultural achievements, traditional rites and customs of not only for Muslims, but also other nationalities.

шини ва бунда асосий эътибор маданиятни қайта тиклашга қаратилишини таъкидлашади (Abazov R., Abazova A., 1996: 133-139). Ислом таълимида анъанавийлик тарафдорлари таълимда ёш авлодга инсоният цивилизациясидаги маданий мероснинг элементларини асраб қолиш ва етказиш масаласини муҳим деб ҳисоблайдилар. Мазкур гуруҳ вакилларининг концепциясига кўра, бундай ёндошув таълимда билимларнинг хилма-хиллиги, маҳорат ва тажриба, баркамоллик ва қадриятлар билан ифодаланиб, инсоннинг индивидуал ривожланиши ва жамиятдаги ижтимоий тартибларни сақлашни кўзда тутди.

Масалан, Марказий Осиё мисолида таълим-

нинг бундай кўриниши VII асрдан XX аср бошигача мавжуд бўлиб, улар қадимий, консерватор (эскилик тарафдори), неоконсерватизм, эски усул тарафдорлари ёки уларга қарама қарши бўлганлар секулярист (дунёвий) деб юритилган. Россия империяси томонидан ўлканинг мустамлакага айлантирилиши ва дунёдаги сиёсий жараёнларнинг ўзгариши анъанавий таълимга бўлган муносабатнинг ўзгаришига олиб келган. Хусусан, рус шарқшунослари ва хориж тадқиқотчилари томонидан Марказий Осиё анъанавий таълим ўқитиш методларига нисбатан танқидий ёндошувларни кузатиш мумкин. Жумладан, ғарб тадқиқотларида ислом таълимида вақф молия хўжалигининг ташкил этилиши, унинг бир-

лаштирилишига салбий таъсир кўрсатгани, бунинг натижасида дарсларни ўқитиш режаси ёки махсус ишлаб чиқилган талаблар бўлмаганлиги, давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ва назорат қилинадиган тизимнинг мавжуд эмаслиги, ўқув дастурлари ўқувчиларнинг билими ва психологиясига мос тарзда ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, уларнинг моддий таъминоти чегараланганлиги, бундай таълим масканларида диний ва дунёвий олимларнинг ўзаро тўқнашуви мавжудлиги қайд этилади (Bobrovnikov N., 1913: 185).

Айтиш мумкинки, араб тарихчиси Аҳмад Чалабий, Ж.Мақдисий, швейцариялик шарқшунос Адам Мец, инглиз исломшуноси Уотт Монтгомерининг асарлари ҳозирга қадар яратилган ислом дини таълими масаласига доир тадқиқотларнинг асосий манбаси бўлиб хизмат қилмоқда (Ahmad Shalaby., 1954: 266). Бироқ, тадқиқотлар орасида ислом таълими борасида қарашлар билан бойитилган янги талқинли асарлар ҳам учрайди. Жумладан, Индиана Университети тадқиқотчиси К.Бэквит Марказий Осиё ҳудудида ташкил этилган дастлабки таълим тизими буддизмнинг *Вихара* (будда динининг ибодатхонаси ва таълим маскани. Унда буддизм дини теологияси ва қонунлари ўргатилган) таълим тизими кўринишларини ўзида акс эттирган, деган фикрни илгари суради (Christopher I.Beckwith., 2009: 154-156).

Маълумки, Марказий Осиёда ислом таълим тизимида таълим харажатлари вақф хўжалиги орқали қопланган. Тадқиқотчи *Вихорода* талабалар ва ўқитувчиларнинг билим олишлари ва ўқишлари учун харажатларни тўлаш қабул қилинганлигини исломдаги вақф хўжалигининг таълимга сарф этилиши жараёни билан боғлайди. Вухоронинг асосий ўқитиш методи маъруза қилиш ҳисобланиб, мунозара қилиш орқали диний китоблар (дхарма, буддизм қонуни ва теологияси)ни ўрганиш назарда тутилади. Бу бевосита ислом дини таълимида ҳам кузатилганини қайд этиб, олим уни *монастирлар коллежи* (мадраса) билан солиштиради. Унинг фикрича, араблар таълимнинг бундай фундаментал элементларини қабул қилиб, Марказий Осиё таълимнинг ўзига хос шаклини яратганлар. Тадқиқотчи Марказий Осиё мадрасалари архитектурасини *Вухоро* архитектура режаси билан қиёслаб экан, VIII – IX асрлардаги Марказий Осиё ислом мадрасалари кўринишига монандлигини қайд этади.

2. Ислом таълими педагогикасида кенг қўлланилаётган таълим усулининг иккинчи модели — модернизм ёки замонавий ислом таълими деб аталади. Бу йўналиш вакиллари дастлабки мусулмон диний таълимотини талқин қилишда замонавий жамиятдаги ривожланишни, инсоният цивили-

зацияси ва мусулмонларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаларини, исломнинг анъанавий тартибларига содиқ қолиб, диннинг кенгайишини ҳисобга олган ҳолда, мусулмон маорифининг ривожига дунёвий таълим элементларининг зарурлигини қўллаб-қувватлайдилар. Модернизациялашган ёки замонавийлашган ислом таълимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у сиёсатга нисбатан конструктив позицияда бўлиб, сиёсий-ғоявий қарашларнинг таълим тизимида киритилишини назарда тутди (Daudov R., 2014: 684-689).

Бундай ёндошувларнинг юзага келиши XVIII асрнинг охирида капиталистик Европанинг мусулмон дунёсига кириб бориши билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу қараш тарафдорлари мусулмон халқларнинг жаҳон тараққиётидан орқада қолишининг асосий сабаби – анъаналар ва диний мутаассиблик, деб ҳисоблайдилар.

Ислом таълимида инновация жараёнларининг кириб келишини тадқиқ қилган Г.Ю. Хабибуллина “XIX асрнинг ўрталаридан эскича қарашлардан узоклашиш, модернизациялашган шарқ жамияти ҳаётини қайта ташкил қилиш йўли танланди. Бунинг натижасида янги ва эски тизимнинг қорилиши юзага келиб, Европа билан яқиндан алоқада бўлган мусулмон давлатларида фан ва техниканинг ривожини ҳисобга олган ҳолда дунёвий таълимни кенгайтириш ишлари олиб борилди. Бироқ бу манзара ғарб билан қиёслаганда бутунлай фарқ қилиб, шарқдаги маърифатпарварлик ғарбий Европа таълимининг шарқий талқини эмас эди. Шарқ маърифатпарварлари тўғридан-тўғри ғарб намунасини қабул қилишга қарши эдилар ва улар идеал жамиятни қуришда шарқ турмуш тарзи билан ғарб қарашларини уйғунлаштириш, янги таълим турини эски маданият билан биргаликда олиб боришни лозим топишди”, – деган фикрларни қайд этади (Habibullina G., 2006: 41-50).

Тарихий жараёнларда XVIII аср охири – XIX асрнинг I-ярмида ғарб ислоҳотлари Яқин Шарқнинг барча давлатларини қамраб олиб, XX асрда ғарблаштириш тенденцияси Россия империясидаги Волга ва Урал ҳудудлари, Қрим, кейинчалик эса Марказий Осиё мусулмон зиёлилари орасида жадидчилик оқими номи билан тарқалган. Мазкур замонавийлашув жараёни анъанавий таълим тизимида ислоҳотлар ўтказиш муҳимлигини кўрсатди. Бундай ижтимоий ўзгаришлар усули жадид (дидактик ислоҳотлар, мактаб дастурини янгилаш, ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитилишига эришиш), – деб ном олган янги таълим методининг жорий этилишига сабаб бўлди (Mustafa Tuna., 2011: 540-570).

Эволюционизм қарашларига кўра, социологияда ривожланиш қонуниятлари асосида вақт ўтиши билан жамиятда ўзгаришлар рўй беради. Дин ҳам

бу жараёнга жалб қилинади, вақт ва бошқа омиллар натижасида ижтимоий структуралар ҳам ўзгаради. Албатта, ислом дунёсида XX асрда рўй берган модернизм ўзгаришлари ислом таълимида ҳам акс этган. Ушбу жараёнларда ислом таълимининг трансформациясини кузатиш мумкин. XX асрнинг 2-ярмида халқаро микёсда юз берган ўзгаришлар, жумладан, халқаро муносабатларда ислом ролининг ошиши, Осиё ва Африка мамлакатларининг мустақилликка эришиши, геосиёсий жараёнларда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашуви, айниқса “совуқ уруш” муносабатлари дин ва унинг ҳолатига ўз таъсирини кўрсатган. Бунинг натижасида ислом дини уламолари томонидан дунёвийликнинг кўринишлари динда таъсирини кўрсата бошлади.

Мазкур ўзгаришлар диний таълимга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Айнан шу йилларда эски диний таълим анъаналаридан фарқ қилган ҳолда, хориж ислом университетлари томонидан замонавий таълим методлари орқали диний таълимни дунёвийлик билан бирга олиб бориш юзасидан ҳаракатлар олиб борилган. Масалан, Мисрдаги диний университетлардан бири ҳисобланган ал-Азхар (972 йил ташкил топган) 1961 йилда Миллий университетлар таълим тизимига киритилиб, унда замонавий фанларни ўқитишга мўлжалланган савдо, маъмурий ишлар, адабиёт, тиббиёт, педагогика, политехника, қишлоқ хўжалиги факультетлари ташкил этилган. 1962 йилда университетда аёллар факультети очилиб, унда соғлиқни сақлаш, иқтисод, акушерлик, мусулмон дунёси географияси ва тарихи, дин тарихи, мусиқа ва санъат тарихи каби йўналишлар очилган (Ishaqov S., 2004: 7-8).

Совет йилларида Ўзбекистонда ташкил этилган диний таълим муассасалари ҳам бу жараёндан ортда қолмади. Мураккаб давр шароитида очилган диний таълим муассасалари – 1945 йилда ташкил этилган Мир Араб ўрта таълим билим юрти ва 1971 йилда фаолиятини бошлаган Тошкент Ислом институтида муайян даражада ислом университетлари тажрибаси қўлланилди. Жумладан, Мир Араб мадрасаси таркибида диний билимлар ўқитиш билан бирга, замонавий фанлар ўқитилишига, талабаларни фото, тил тўғараклари орқали замонавий фан-техника ютуқларидан хабардор этиш тадбирлари ҳам олиб борилган (UzRMA, F.P-2456, op.1, d.590, l.101).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, XX асрда ислом дунёсининг аксарият мамлакатларида ислом таълимининг ташкил этилиши масалалари янги босқичга чиқди. Бу албатта, мустамлака тузумининг тугатилиши ва халқларнинг мустақилликка эришиши билан боғлиқ деб изоҳлаш мумкин.

Бу соҳадаги дастлабки қадам ислом дини асосида ислом таълимининг универсал моделини яратиш бўйича тадбирларларда кўзга ташланади. Жумладан, 1977 йил 31 март – 8 апрелда Макка шаҳрида ислом таълими бўйича I халқаро конференция ташкил этилиб, унда ўқув дарсликлар ва ўқитувчилар учун қўлланмалар яратиш масаласи таҳлил қилинган. Анжуманда ислом олами зиёлилари таълимнинг асосий мақсади шахс сифатида динга бўйсунитишни аниқлаштиришни қайд этганлар (UzRMA, F.P-2456, op.1, d.310, l.16).

Умуман, 1970-йиллардаги халқаро микёсдаги сиёсий жараёнларда ислом дунёсида дин таълимининг турли масалалари тадқиқи бўйича олиб борилган тадбирларнинг кенгайганлигини кузатиш мумкин. Бунга мисол тариқасида, 1970 йилда Япониянинг Киото шаҳрида “Дин ва тинчлик масалалари бўйича бутунжаҳон конгресси”, 1972 йилда Чикагода “Ислом ва социал фанлар”, 1973 йилда Индианада “Ислом социал фанининг фалсафий асослари”, 1974 йилда Гэри шаҳрида “Ислом ва замонавийлик”, 1974 йилда Бельгияда Ислом конгресси, 1975 йилда Индиана шаҳрида “Мусулмончиликдан ислом сари” деб номланган анжуман, 1976 йилда Темп университетида “Ислом ва ривожланиш” мавзусидаги конферециялар ўтказилганлигини келтириш мумкин. Шунингдек, 1976 йилда Британияда “Ислом дунёси” фестивали, 1977 йил февралда Мадина ислом университетида “Исломга чақириқ ва ислом оламида миссионерларнинг фаолияти” анжумани, 1977 йилда Москвада халқаро “Барча динлар конференцияси”, 1976 йил Марокаш Ислом университетида араб тилининг мусулмон университетларидаги ўрни масалаларига бағишланган маърузалар, 1978 йилда Нью Йоркда халқаро ислом конгресси ташкил этилган (UzRMA, F.P-2456, op.1, d.590, l.101).

Мазкур анжуманларда ислом динининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, таълим тизими орқали ислом кадриятларини ёшларга етказиш ва асраб қолиш каби масалалар ҳам муҳокама қилинган. Жумладан, 1975 йил 31 октябрь – 3 ноябрь кунлари Лакнау шаҳрида уламолар жамияти томонидан ташкил этилган таълим масалалари бўйича халқаро ислом конференцияси резолюциясида мусулмон дунёсида таълим масаласи бўйича Марказий Академия ташкил этиш таклифи киритилган. Ушбу академиянинг зиммасига мусулмон давлатларида араб тилини ўқитишни яхшилаш, мустамлака даври маданияти ютуқларидан воз кечиш, таълим тизимини ислом кадриятлари негизида ташкил қилиш орқали ёшларни зарарли мафкура ва дунёқарашлардан ҳимоя қилиш каби вазифаларни юклаш режалаштирилган. (Moheer M.Otaibi and Hakim

M.Rashid., 1997: 3-4).

Юкорида келтирилганидек, анъанавий ва модернизм таълим усулидан фарқ қилган, учинчи таълим модели фундаментал ислом таълими деб номланади. Бундай ислом таълими тарафдорлари ислом диний таълимотини радикал талқин қилишни ижобий баҳолайдилар. Бироқ, улар мусулмон ва бошқа халқларнинг маданий ютуқлари, анъанавий урф-одатларига салбий муносабатда бўладилар. Мазкур таълим тизимининг асосий жиҳати унинг сиёсийлашгани бўлиб, унинг моҳияти сиёсий мақсадларни амалга ошириш жараёнида диний нормаларни махсус усул билан тарафдорларининг онгига сингдириш ҳисобланади (Mansoor M., Kamran T., 2000: 1-21).

Умуман, ислом таълимига доир назария ва қарашлар хилма-хил бўлиб, бу борада ягона илмий талқин мавжуд эмас. Модернистлар томонидан ислом таълимида замонавий таълим тизимида инновация, илмий техника ютуқлари, замонавий таълим усулларини жорий этиш орқали интеллектуал шахсни шакллантириш фикри илгари сурилса, анъанавий таълим тарафдорлари ислом анъаналари ва ҳадис асосида таълимнинг сақланишини қўллаб-қувватлайдилар. Ушбу икки йўналишдан фарқ қилган ҳолда, фундаментал ислом таълим вакиллари ўз қарашларида жамиятнинг цивилизацион маданият ютуқларига қарши чиққан ҳолда сиёсий мақсадларни амалга оширишни режалаштирадилар. Ҳар қандай таълим тизими жамият интеллектуал муҳитининг шаклланишига таъсир қилиб, келгусидаги иқтисодий-сиёсий жараёнларнинг ривожланиш йўналишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу маънода, ҳозирги модернизациялашган жамиятда ислом таълимини динлараро ва маданиятлараро бағрикенлик ғоялари асосида ташкил этиш, таълимда замонавий усуллар, тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш орқали ислом анъаналарини халқнинг маънавий маърифий қадриятлари билан бирга ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Таҳлиллар асосида Марказий Осиёда тарихий жараёнларда ислом таълимида ишлаб чиқилган турли таълим моделлари кўриб ўтилган бўлса-да, ислом олами мутафаккирларининг маънавий мероси, маърифатпарвар ва ислохотчиларнинг ғоялари ҳозирги кунга қадар мусулмон мамлакатлари таълим тизимида ўз аҳамиятини сақлаб қолаётганлиги.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Fitrat Abdurauf. (2002) Najot yuli. (Rahbari najot). – Toshkent: Sharq. 87-115.
2. Nurullina R. (2011) Konfessionalnaya sistema v

Tatarstane // Rossiya I musulmanskij mir. – M., №3 (225). 45-52.

3. Demidov G. (2016) Svetskost I religiya: transformasiya ponyatiya “religioznoye obrazovaniye” v sovremennom mire // Vestnik RGGU №4 (6). – M., 43-61.
4. Daudov R. (2014) Mesto i rol traditsionalizma i modernizma v islamskoy ontologii // Fundamentalniye issledovaniye. №11-3. 684-689.
5. Abazov R., Abazova A. (1996) Islamskiye universiteti I reformirovaniye sistemi visshego obrazovaniya v musulmanskoy mire // Sotsiologicheskiye issledovaniye. №5. 133-139.; Zelenov E. (2015) Fenomen islamskogo obrazovaniya // Aziya I Afrika segodnya. №10. 25-31.
6. Bobrovnikov N. (1913) Russko-tuzemniye uchilisha, mektebi I medrese Sredney Azii. – Sankt-Peterburg, 185 s.; Encyclopedia Britannica. Ahmad Shalaby, History of Muslim Education (1954, reissued 1979) <http://m.eb.com/topic/179408#47444.toc>
7. Ahmad Shalaby. (1954) History of Muslim Education. – Beirut, pp. 266; George Makdisi. (1984) Rise of Colleges: Institutions of learning in Islam and the West Published January–Edinburgh University Press (first published August 1981). – 378 p.; Mets Adam. (1973). Muslimanskiy Renessans. Per s nem. – M.: Nauka. – 473 s.; Uilyam Montgomeri Uott. (1976) Vliyaniye islama na srednevekovuyu Evropu. Per. s angliyskogo. – M.: Nauka, – 128 s.
8. Chistopher I.Beckwith. (2009) Empires of the Silk Road. A history of Central Eurasia from the bronze age to the Present. – by Princeton University Press, – P.154.
9. Xabibullina G. (2006) Modernizatsiya obrazovaniya na musulmanskoy Vostoke // Islam v sovremennom mire: vnutrigosudarstvenniy I mejdunarodno-politicheskij aspekti. – N.Novgorod, №4. 41-50.
10. Mustafa Tuna. (2011) Madrasa Reform as a Secularizing Process: A View from the late Russian Empire // Comparative Studies in Society and History. 53(3). 540-570; Dolimov U. (2006) Turkistonda jadid maktablari. – Toshkent: Universitet. – 82 b.
11. Ishakov S. (2004) Rossiyskiye musulmani i revolyusiya (vesna 1917 g. – leto 1918 g.) – M.: Sotsialno-politicheskaya Misl, 7-8.
12. O'zbekiston Respublikasi Milliy arxivi (keying urinlarda – UzMA), f. P-2456, op.1, d.616, l.17; UzMA, f.P-2456, op.1, d.590, l.101.
13. O'zMA, f.P-2456, op.1, d.310, l.16.
14. Moheer M.Otaibi and Hakim M.Rashid. (1997) The role of schools in Islamic society: Historical and Contemporary Perspectives // The American Journal of Islamic Social Sciences. (Special Education). – Washington, Vol.14, No.4. – P. 3-4.
15. Mansoor M., Kamran T. (2000) Contemporary Debates in Islam: Modernism versus Fundamentalism // Modernist and Fundamentalist Debates in Islam. A Reader. Ed. M. Mansoor. – Palgrave Macmillan US. – P.1-21; Olimov M., Olimova S. (2001) Politicheskij islam v sovremennom Tadjikistane // Islam na postsovetskom prostranstve: vzglyad iznutri. – M.: Art - Biznes – Tsentr, 185-204.